# *ОЛДИ–СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 2907/2*

*Нарпай туман* *29.07.2022 йил*

*"NARPAY AGRO TRADE" МЧЖ, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор И.Исматов, номидан, бир томондан ва Нарпай туман ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ш.Рўзиев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.*

## *1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ*

*1.1.Сотувчи ўзига тегишли бўлган қурилиш материалларини ушбу спецификацияга асосан сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, сотиб олувчи эса товар (маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.*

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўл бирл | Сони | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Щебень | М3 | 96 | 649000 | 62304000 |
| | ***Жами*** | | | | ***62304000сўм*** |

## *2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ*

*2.1.Ушбу шартноманинг умумий суммаси 62304000* ***(Олтмиш икки миллион уч юз турт минг)*** *сўмни ташкил этади.*

*2.2. Сотиб олинадиган товар (қурилиш материаллари) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил килади, колган 70 % ни товар олгандан сунг 10 банк иш куни ичида кабул килиш топшириш далолатномаси, хисоб фактура ва в.б. асосида тулайди.*

*2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.*

## *3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ*

*3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:*

*3.1.1. Товар (қурилиш материаллари)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.*

*3.1.2. Товар (қурилиш материаллари)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак*

*3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (қурилиш материаллари мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (қурилиш материаллари)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.*

*3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.*

*3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:*

*3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутлашиши бўйича қабул қилиб олади.*

*3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади*

*3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.*

## *4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ*

*4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.*

*4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.*

## *5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ*

*5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:*

*5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0.5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % микдорида жарима тўлайди.*

*5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортименти ва нови лозим даражада булмаган товарлар кийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.*

*5.4. Товар хакини ўз вактида тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.*

*5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.*

*5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.*

*5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланади.*

## *6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ*

*6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 29 июлдан 2022 йил 31 декабргача амал килади.*

*6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.*

*6.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:*

*- томонларнинг келишувига мувофиқ;*

- *Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.*
- *Форс-Мажор ҳолатларида*

### *7. Томонларнинг коррупсияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари*

*7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.*

*7.2. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.*

*7.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.*

### *.8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ*

*8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.*

*8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади*

*8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иктисодий судида хал қилинади.*

### *9.ФОРС – МАЖОР*

*9.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,ноқулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.*

*9.2. Мазкур шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги" ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.*

### *10. БОШКА ШАРТЛАР*

*10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.*

*10.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиниши мумкин.*

*10.3. Мазкур 62304000 сўмлик, 2907/2-сонли 2022 йил 29 июлда 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Нарпай тумани буйича газначилик булинмасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сўнг конуний кучга киради.*

### *11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:*

| *«Сотувчи»* | *«Сотиб олувчи»* |
|---|---|
| "NARPAY AGRO TRADE" МЧЖ | Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| *(мол етказиб берувчининг номи)* | *(бюджетдан маблағ олувчининг номи)* |
| *Адрес: Нарпай тумани* | *Манзил:Нарпай туман Октош шахар* |
| *х/р: 2020 8000 0009 7500 7001* | |
| *Тел. +998 97-915 51 01* | *Тел./факс Банк:* Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ |
| *Банк: АТБ "Халқ банк" Нарпай филиали* | |
| *МФО, 00731 СТИР 305635843* | *ш/х100022860182187065200110002* |
| | *бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ* 200718943 |
| | *Ғазна х/в* Нарпай тумани бўйича ғазначилик бўлинмаси х/р 23402000[illegible] Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ МФО 00014 |
| *Раҳбар:И.Исматов* *(Ф.И.Ш.)* | *Раҳбар: Ш.Рузиев* |
| *Ҳуқуқшунос:* | *Ҳуқуқшунос:* |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: GX2200568288

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**
**SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**
**NARPAY TUMAN ADLIYA BO'LIMI YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

141200. Narpay tumani,Nog'oraxona mahallasi "Kamalak" ko'chasi
el.pochta: narpayyurmarkaz@adliya.uz

---

29.07.2022-yil Oqtosh shahri

Narpay tuman obodonlashtirish boshqarmasi va "*NARPAY AGRO TRADE*" MCHJ o'rtasida "Sheben yetkazib berish" bo'yicha tuzilgan shartnoma loyihasi yuzasidan

HUQUQIY XULOSA:

Mazkur shartnoma loyihasini O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan o'tkazib:

- Shartnoma loyihasiniig amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob berishini va qonunga mos holda tuzilganligini;

- Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o'zaro nizolarni hal qilish yo'llari O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi hamda «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni asosida belgilanganligini va xo'jalik yurituvchi subyektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog'liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar belgilanganligini aniqladim.

Yuqoridagilarga asoslangan holda shartnoma loyihasini qonun hujjatlari asosida tuzilgan deb hisoblayman va tomonlarga uni imzolashni tavsiya etaman.

**Markaz boshlig'i** **F.I.Qurbanov**
**29.07.2022 yil**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Нарпай туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**

_______________ **Ш.Рўзиев**

Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармасига курилиш матиряллари харид килиш буйича ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Нарпай туман «27» 07 2022 й.

Раислик қилувчи **Ш.Рўзиев**

Иштирок этган комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| А.Эргашив | Котиб, хисобчи |
| Б.Дуланов | Комиссия аъзоси, Булим бошлиги |
| Ф.Сафаров | Комиссия аъзоси, Булим бошлиги |
| Х.Махаммадиев | Комиссия аъзоси, Механик |
| Ю.Нурматов | Комиссия аъзоси, Мухандис мутахасис |

**КУН ТАРТИБИ:**

Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармасига курилиш матиряллари харид килиш буйича

(*А.Эргашив,* М.Хужаев, Ф.Сафаров, Х.Махаммадиев, Ю.Нурматов)

Нарпай туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Нарпай Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармасига курилиш матиряллари харид килиш буйича №124943-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 27 июлдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармасига курилиш матиряллари харид килиш буйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан **“Нарпай Агро Траде”МЧЖ** ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош бухгалтери С.Холиқовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 1 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб **“Нарпай Агро Ўраде”МЧЖ** билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Техник назоратчи Д.Нарзиев махсулот сифат даражасини назорат қилинсин.

**Комиссия аъзолари**

А.Эргашив

Б.Дуланов

Ф.Сафаров

Х.Махаммадиев

Ю.Нурматов

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 124943 на приобретение Narpay tuman Obodonlashtirish boshqarmasi binosini ta'mirlash uchun qurilish materiallari xarid qilish

Способ проведения электронный

Дата 27.07.2022

Время рассмотрения 27.07.2022 14:14

Конкурсная комиссия Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RO‘ZIYEV SHAMSIDDIN BAXRAMOVICH | Председатель комиссии | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Секретарь комиссии** | ERGASHEV ANVAR AVAZ O‘G‘LI | Бухгалтер | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | SAFAROV FAXRIDDIN KUZIYEVICH | Болим бошлиги | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | MAHAMMADIYEV HAMZA JO‘RAQULOVICH | механик | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | XUJAYEV MAXMUD ISMATOVICH | Болим бошлиги | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | NURMATOV YUSUF SAPOYEVICH | Мухандис | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.07.2022 года № лота 124943.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 96.00 / Весовой коэф. ценовой части: 4.00)

Мин. балл: 38

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Щебень** |
|---|---|
| Подробное описание | Шебень |
| Количество товара | 96.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 650 000.00 |
| Стартовая сумма | 62 400 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Korxona xujjatlari

Тип: Текстовое значение

Описание: Hujjat

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 16 | Корхона хужжатлари | 16 | Экспертная | | |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 16 | Корхона хужжатлари | 16 | Экспертная | | |

Критерий №2 Moliyaviy hujjatlar va soliq qarzdorligi

Тип: Текстовое значение

Описание: Hujjat

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 16 | Баланс+солиқ | 16 | Экспертная | | |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 16 | Баланс+солиқ | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 QQS guvoxnomasi va uning faolligi

Тип: Текстовое значение

Описание: Hujjat

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 16 | ҚҚС | 16 | Экспертная | | |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 16 | ҚҚС | 16 | Экспертная | | |

Критерий №4 2-son kartoteka mavjud emasligi

Тип: Текстовое значение

Описание: Hujjat

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 16 | Корхонанинг 2-сон картотекаси мавжуд эмас. | 16 | Экспертная | | |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 16 | Картотека мавжуд эмас | 16 | Экспертная | | |

Критерий №5 Bankrot emasligi va insofsiz ijrochi reestirida turmasligi

Тип: Текстовое значение

Описание: Hujjat

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 16 | Банкрот эмас | 16 | Экспертная | | |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 16 | Банкрот эмас | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Muqaddam o'xshash buyurtmachilar bilan yoki o'xshash ishlar to'g'risida ma'lumot

Тип: Текстовое значение

Описание: Hujjat

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 16 | Ўхшаш ишлар | 16 | Экспертная | | |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 16 | Ўхшаш бюртмачилар билан ишлангани | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 62 400 000.00 | 62 352 000.00 UZS | 62 352 000.00 | 00.00 | 62 352 000.00 | 26.07.2022 06:04:38 | 04.00 |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 62 400 000.00 | 62 304 000.00 UZS | 62 304 000.00 | 00.00 | 62 304 000.00 | 25.07.2022 15:39:48 | 04.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 78 | 4 | 82 |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 96 | 4 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 124943 от 27.07.2022 года на приобретение Narpay tuman Obodonlashtirish boshqarmasi binosini ta'mirlash uchun qurilish materiallari xarid qilish

определила победителем:

MCHJ NARPAY AGRO TRADE
305635843

и резервный исполнитель: NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK (306647700)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RO‘ZIYEV SHAMSIDDIN BAXRAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAHAMMADIYEV HAMZA JO‘RAQULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAFAROV FAXRIDDIN KUZIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUJAYEV MAXMUD ISMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURMATOV YUSUF SAPOYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП